

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН БАНК САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИ

Абдухалилова Рузби Юлдашевна

БМА магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада ривожланган мамлакатлар банк тизимида қўлланилаётган самарадорликни баҳолаш индикаторлари таҳлилий асосда ўрганилган. Мақолада АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва Япония банк амалиёти мисолида анъанавий молиявий кўрсаткичлар — ROA, ROE, CIR, LDR, NPL билан бир қаторда ESG (экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув), рақамли самарадорлик, хизматлар сифат индекси каби кўрсаткичларнинг банк самарадорлигини баҳолашдаги роли таҳлил қилинган. Хусусан, банк фаолиятини холис баҳолашда кўп ўлчовли ва жараёнга йўналтирилган индикаторлар тизими шаклланаётгани таъкидланган. Қиёсий таҳлил натижалари асосида Ўзбекистон банк амалиётида самарали бўлиши мумкин бўлган индикаторлар концептуал жиҳатдан тавсия этилган.

Калит сўзлар: банк самарадорлиги, ривожланган мамлакатлар, индикаторлар тизими, ROA, ESG, рақамли самарадорлик, банк фаолияти, халқаро тажриба.

Abstract: This article provides an analytical review of efficiency assessment indicators used in the banking systems of developed countries. Using the examples of the USA, EU member states, and Japan, the study examines not only traditional financial indicators such as ROA, ROE, CIR, LDR, and NPL, but also modern indicators like ESG (Environmental, Social, Governance), digital performance metrics, and service quality indices. The article highlights the global trend toward multi-dimensional, process-based evaluation systems aimed at providing a more comprehensive view of banking efficiency. Based on comparative analysis, the study offers conceptual recommendations for adapting effective indicators to the context of the Uzbek banking sector.

Keywords: banking efficiency, developed countries, indicator system, ROA, ESG, digital performance, banking activity, international practice.

Молиявий таҳлил банк фаолиятида қабул қилинадиган ҳар қандай қарорнинг асосий манбаига айланган. Айниқса, айрим банкларнинг ҳисоботлари асосида амалий таҳлил олиб бориш ушбу тизимнинг ички хусусиятларини, фаолият самарадорлигини ва молиявий барқарорлигини англашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу бўлимда “Агробанк” акциядорлик тижорат банки мисолида молиявий ҳисоботлар таҳлили амалга оширилади.

Жаҳон молия тизимидаги етакчи мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, банк самарадорлигини баҳолаш фақат молиявий

натижалар билан эмас, балки жараёнларнинг самараси, хавфни бошқариш қобилияти ва стратегик ривожланиш мезонлари билан чамбарчас боғлиқ кўрсаткичлар орқали амалга оширилади. Бу мамлакатларда қўлланилаётган индикаторлар тизими чуқур функционал, таҳлилий ва прогностик хусусиятларга эга бўлиб, улар орқали банк фаолиятининг ҳар бир қирраси атрофлича баҳоланади.

Айниқса, АҚШ, Германия, Япония ва Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларда самарадорликни баҳолашда илғор кўрсаткичлар комплекс ёндашув асосида тузилади. Бу кўрсаткичлар нафақат молиявий ҳисобот маълумотлари, балки ички жараёнлар, мижозлар билан ўзаро муносабат, инсон капитали салоҳияти, рақамлаштириш даражаси, корпоратив маданият ва экологик-ижтимоий таваккалчиликлар билан боғлиқ бўлади. Бундай кенг қамровли ёндашув эса банк фаолиятини нафақат бугунги ҳолати, балки унинг барқарорлиги ва узоқ муддатли истиқболни ҳам баҳолаш имконини яратади.

АҚШ молиявий тизимида, хусусан, Federal Reserve ҳамда Fitch ва Moody's каби рейтинг агентликлари томонидан банк самарадорлигини баҳолашда “CAMELS” методологияси қўлланилади. Бу ёндашувда капитал етарлилиги, активлар сифати, менежмент самарадорлиги, фойдалилик, ликвидлик ва бозор таваккалчилиги алоҳида баҳоланади. Ҳар бир омил ўзига хос баллар тизимида баҳоланиб, умумий ҳолат шакллантирилади. Бундай комплекс баҳолаш банк фаолиятидаги мувозанатни, хавф-хатарларнинг барқарор бошқарилишини ва бизнес моделининг ички уйғунлигини кўрсатади.

Европа Иттифоқи банк тизимининг йирик ва кўп тармоқли иштирокчиларидан бири — “Deutsche Bank” AG фаолияти мисолида самарадорликни баҳолаш индикаторлари қандай ишлайди, деган саволга жавоб бериш орқали Европа тажрибасининг амалиётдаги намоёнини яққол кузатиш мумкин. Мазкур банк Германиядаги энг йирик тижорат банки ҳисобланади, унинг фаолияти Европа Марказий банки ва BAFIN (Германия молия назорати идораси) томонидан батафсил мониторинг қилинади. Самарадорликни баҳолашда эса “SREP” тизими асос бўлади.

“Deutsche Bank”нинг ҳисоботларида самарадорлик бир қатор кўрсаткичлар асосида баҳоланади. Улар ичида фойдалилик ва капитал етарлилигига оид индикаторлар асосий мезонлардан ҳисобланади. Масалан, 2023 йилда банкнинг “Return on Tangible Equity” кўрсаткичи 8,2 фоизни ташкил этди, бу кўрсаткич банкнинг капиталдан қандай самара билан фойдаланганини кўрсатади. Бир қарашда рақам унчалик юқори эмасдек туюлиши мумкин, аммо Европада хавфларга нисбатан эҳтиёткорлик даражаси юқори бўлгани боис, бу кўрсаткич стратегик самарадорлик рамзи сифатида баҳоланади¹.

Харажат-даромад нисбати (“Cost to income ratio”) бўйича “Deutsche Bank” 2023 йилда 74 фоиз кўрсаткичга эришди.¹ Бу банк харажатларини оптималлаштириш бўйича ишларни давом эттираётганини, лекин уларни тўлиқ автоматлаштириш ҳали тўлиқ амалга ошмаганини кўрсатади. Шунга қарамай, бу кўрсаткич Европа банк бозоридаги ўртача даражадан юқори эмас. Банк самарадорлигига оид таҳлилларда айнан мана шу индикатор менежмент салоҳияти ва ички жараёнлар самарадорлигини ифода этувчи асосий мезон сифатида талқин қилинади.

“Deutsche Bank” фаолиятида ESG кўрсаткичлари ҳам самарадорликни баҳолашда муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, экологик таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда капитал жойлаштириш, “яшил” кредитлар улуши, корпоратив ижтимоий масъулият сиёсатининг самараси алоҳида таҳлил қилинади. Банк жорий қилган “Sustainable Finance Framework” орқали барча маҳсулот ва портфеллар ESG мезонлари бўйича сараланади ва баҳоланади. Бу Европа амалиётида самарадорлик тушунчаси фақат фойда ёки ликвидлик билан чегараланмаслигини, балки кенг ижтимоий таъсирни ҳам ўлчашга ўтганини кўрсатади².

1-жадвал “Deutsche Bank” фаолиятида қўлланилаётган самарадорлик кўрсаткичлари²

№	Индикатор номи	Қиймати (2023)	Қисқача тавсифи
1	Return on Tangible Equity (ROTE)	8,2 %	Банк ўзининг моддий капиталидан қанчалик самарали фойдаланганини кўрсатади.
2	Cost-to-Income Ratio (CIR)	74 %	Харажатларнинг даромадга нисбати; ички жараёнларнинг оптималлашган даражаси.
3	CET1 Ratio (Common Equity Tier 1)	13,4 %	Хавфларга нисбатан капитал етарлилиги; банкнинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичи.
4	ESG Portfolio Coverage	Жорий этилган	Барча молиявий маҳсулот ва инвестициялар ESG талабларига мослик асосида баҳоланади.
5	Non-Performing Loans (NPL) ratio	1,1 %	Кредит портфелидаги қайтмас қарзлар улуши; активлар сифатига оид кўрсаткич.

Капитал етарлилиги бўйича “Deutsche Bank”нинг “CET1 ratio” кўрсаткичи 2023 йилда 13,4 фоизни ташкил этди.³ Бу банкнинг хавфлардан ҳимоялаш қобилияти юқори даражада эканини кўрсатади. Европа қонунчилигида белгиланган минимал талаб 10,5 фоизни ташкил этган ҳолда, мазкур натижа самарали капитал сиёсати ва хавфларни барқарор бошқаришга ишора қилади.

Ушбу банк фаолиятида, шундай қилиб, индикаторлар нафақат ҳисобот рақамлари сифатида, балки бошқарув фикрини шакллантирувчи стратегик

¹ Deutsche Bank AG. Annual Financial Report 2023, Frankfurt, 2024.

² Deutsche Bank ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

³ Deutsche Bank. Sustainability Deep Dive Report, 2023

таҳлил инструменти сифатида хизмат қилмоқда. Германия молия бозоридаги рақобатбардош муҳитда банкнинг узоқ муддатли самарадорлиги айнан шу кўрсаткичларнинг холис баҳоланиши ва амалдаги таъсир кучига боғлиқ. “Deutsche Bank” мисоли шундан далолат берадики, самарадорлик кўрсаткичларини тўғри шакллантириш ва уларга доимий мониторинг ўрнатиш банк тизимининг барқарорлигини кафолатловчи асосий омилдир.

Япония тажрибасида эса инновацион ёндашувлар, хусусан рақамлаштириш индикаторлари, операциялар автоматлашуви, мижозлар билан фаол интеракция каби кўрсаткичлар орқали банк самарадорлиги баҳоланади. Бу мамлакатда банкнинг юқори фойдасидан кўра, унинг тизимли барқарорлиги ва ички жараёнлардаги инновацион механизмлар орқали ишлаш салоҳияти юқори баҳоланади. Яъни банкни баҳолашда “ижтимоий фойдали таъсир”, ESG (Environmental, Social, Governance) кўрсаткичлари ҳам таҳлил доирасига киритилади.

Япония банк тизимида самарадорликни баҳолашга нисбатан ёндашув бошқа ривожланган мамлакатлардан кўра, бирмунча ўзига хосликка эга.

Бу тизимда индикаторлар фақат молиявий натижаларни эмас, балки фаолиятнинг иқтисодий, технологик, ижтимоий ва корпоратив ўлчовларини ҳам қамраб олган ҳолда шакллантирилади.


Японияда тижорат банклари фаолиятида самарадорликни баҳолашда биринчи навбатда ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва хавфлардан ҳимояланганлик даражаси эътибор марказида туради.

Банклар ўз фаолиятини асосан мижозларга яқин хизмат кўрсатиш моделига асослайди ва KPI (Key Performance Indicators) тизимини ҳам айнан шу фалсафа асосида шакллантиради.

Масалан, банкларнинг самарадорлиги фақат фойда даражаси ёки капитал етарлилиги билан эмас, балки мижозлар билан ўзаро ишонч даражаси, хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш индекси, рақамли хизматлар улуши ва операцияларни автоматлаштириш кўлами билан ҳам ўлчанади.

Япония Марказий банки (Bank of Japan) ва Молия вазирлиги томонидан ҳар йили тузиладиган назорат ҳисоботларида ликвидлик, рентабеллик ва капитал адекватлиги каби кўрсаткичлар билан бир қаторда ESG – экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув кўрсаткичлари ҳам муҳим мезон сифатида талқин қилинади.⁴

⁴ Bank of Japan. Financial System Report, 2023



1-расм. Япониядаги йирик банклар ESG индикаторлари бўйича баҳоланиши⁵

ESG индикаторлари орқали банкнинг жамиятга, атроф-муҳитга ва корпоратив инсоний муносабатларга қандай муносабатда экани, уларни қандай сиёсат даражасида бошқараётгани баҳоланади. Айниқса, сўнгги йилларда Япония банклари “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини алоҳида кўрсаткич сифатида тақдим этиб келмоқда.

Шу билан бирга, Япония банк амалиётида рақамли индикаторлар ҳам асосий мезонлардан бирига айланган. Масалан, мобил банк иловаси орқали амалга оширилган операциялар сони, онлайн хизматлар улуши, блокчейн асосидаги хавфсизлик тизимларининг жорий этилиши ва ахборот ҳимояси даражаси банк самарадорлигини баҳолашда стратегик кўрсаткичлар сирасига киритилган. Чунки рақамлаштириш самарадорликни нафақат тежамкорлик нуқтаи назаридан, балки тезкорлик, хавфсизлик ва ишонч даражаси нуқтаи назаридан ҳам мустаҳкамлайди.

Япониядаги йирик банклар, жумладан Mitsubishi UFJ Financial Group (MUFG), Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC) ва Mizuho Financial Group каби молиявий институтлар ўз ҳисоботларида анъанавий молиявий кўрсаткичлар билан бир қаторда — инновацион ёндашувларни ҳам тизимли равишда акс эттиради. Масалан, “дигитал трансформация индекси” каби кўрсаткичлар орқали банкнинг ички жараёнлари қанчалик рақамли муҳитга кўчгани, хизмат кўрсатишда қандай технологик қулайликлар жорий этилгани баҳоланади. Бу эса анъанавий ҳисоботлардан фарқли равишда, келажакка йўналтирилган таҳлилни таъминлайди.

⁵ Bank of Japan маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Халқаро молиявий агентликлар ҳам Япония банк тизимидаги самарадорликни ўрганишда айнан мана шу кўрсаткичларга таянади. Fitch ва Moody's агентликлари Япония банкларини баҳолаётган экан, фақат ROA ёки ROEга эмас, балки операцияларнинг барқарорлиги, хавфларни диверсификация қилиш салоҳияти, капиталнинг қайси соҳаларга йўналтирилгани ва ESG сиёсатидаги фаоллик даражасига ҳам эътибор қаратади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. « Van Greuning, H., & Bratanovic, S. B. (2009). Analyzing Banking Risk: A Framework for Assessing Corporate Governance and Risk Management. World Bank Publications.
2. Basel Committee on Banking Supervision. (2021). Principles for the Effective Management and Supervision of Climate-related Financial Risks. Bank for International Settlements.
3. World Bank. (2021). Global Financial Development Report: Financial Inclusion and Digitalization.
4. European Central Bank. (2022). Guide to Internal Capital Adequacy Assessment Process (ICAAP). ECB Supervisory Expectations.
5. IMF. (2021). Financial Soundness Indicators Compilation Guide. International Monetary Fund
6. OECD. (2020). Corporate Governance in Financial Institutions: A Comparative Overview.
7. Rose, P. S., & Hudgins, S. C. (2013). Bank Management & Financial Services. McGraw-Hill Education.
8. International Finance Corporation (IFC). (2022). ESG Integration in Financial Institutions: A Global Perspective.
9. Financial Services Agency of Japan. (2023). Sustainability Transformation in Japanese Banks: ESG and Beyond. Tokyo.
10. Koch, T. W., & MacDonald, S. S. (2014). Bank Management. Cengage Learning.